



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2001 йил 8 сентябрь, шанба • №71 (11.356)

• Эркин нархда сотилади

Бекобод цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига

Аввало, барчангизни, мамлакатимиз саноатининг етакчи корхоналаридан бири бўлган Бекобод цемент ишлаб чиқариш бирлашмасининг етмиш беш йиллик тўйи билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шундай унутилмас кунда ўз тарихи, қутлуг аъноалари ва катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган бу корхона Ватанимиз халқ хўжалигининг равнақида ҳамisha муносиб ўрин тутиб келганини барчамиз мамнуният билан эътироф этамиз.

Айниқса, мамлакатимиз ҳудудидида қад кўтарилган саноат корхоналари, турар жойлар, маданий-маиший иншоотларнинг қурилишида сиз меҳнат қилаётган бирлашманинг улкан улуши борлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда шаҳарларимизда, қишлоқларимизда қуриладиган иншоотларнинг замонавий, пишиқ ва кўркам бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳукуматимиз

томонидан қурилиш ашёлари саноатини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилгани бунинг яққол далилидир.

Бирлашманинг кўп миллатли жамоаси, унинг заҳматкаш ва фидойи ишчи-хизматчилари эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилиб, ибрат бўлгулик натижаларга эришадигани ҳаммамиз учун қувончлидир.

Ишончим комилки, бозор муносабатлари шароитида, эркин рақобат муҳитида, янги технологиялар асрида сизларнинг куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангиз туфайли «Бекободцемент» янада қудратли, замонавий корхонага айланади.

Мана шундай олижаноб мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файз-барака, ишларингизга муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

«БЕКОБОДЦЕМЕНТ»НИНГ ЯНГИ ОДИМЛАРИ

Саноатимизнинг етакчи корхоналаридан бири бўлган Бекобод цемент комбинати ҳиссадорлик жамиятининг кўп миллатли меҳнатсевар ва фидойи жамоаси мамлакатимизда барпо этиладиган иншоотлар, уй-жойлар, маданият ва хизмат кўрсатиш масканларини қуришда муносиб ҳисса қўшаётганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Бугун ўзининг 75 йиллигини нишонлаётган корхона жамоаси давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, шаҳар ва қишлоқларимизни обод ва кўркам қилишга янада кўпроқ улуш қўшиш мақсадида ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

(Корхонанинг 75 йиллигига бағишланган мақолани газетамизнинг 3-саҳифасида ўқийсиз).



ТЕРИМ БОШЛАНДИ

Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган иш-ҳаракатлар, ерга, мулкка бўлган муносабатнинг ўзгариши йил сайин ўзининг самараларини бермоқда. Бунинг билан виллоят пахтачилигида ҳам яққол кўриш мумкин. Изланиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, техникага таяниш, бу соҳадаги ишларни такомиллаштириб бориш туфайли 2001 йилда ҳам виллоятимизда мўл ва эрта ҳосил етиштирилди. Виллоят далаларида пахта йиғим-терими қизгин бошланиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида 2001 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ташкил этиш тўғрисида қабул қилинган виллоят ҳокимлигининг махсус қарорида мавсумни ҳар томонлама муваффақиятли якунлаш юзасидан барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унда қўл теримини ташкил этиш билан бир қаторда машина теримига алоҳида тайёргарлик кўриш, теримчилар ва механик-ҳай-



довчиларни рағбатлантириб бориш, белгиланган тартибда ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, оилавий пудратчилар, бошқа хўжалик ички бўлинмалари билан тузилган шартномаларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш, далада ишлаётганлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни юксак савияда ташкил этиш, теримда юқори кўрсаткичга эришадиганларнинг тажрибасини кенг оммалаштириш сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шуни таъкидлаш керакки, виллоятимизда ушбу қарор ва

белгиланган тадбирларнинг ижроси аллақачон бошлаб юборилди. Энг муҳими йиғим-терим билан боғлиқ тадбирлар ҳар бир туман, хўжалик, ҳатто бригадада ҳам ўз шароитидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. Масалан, Оққўрғон туманида қўл терими бошланганига бир ҳафтадан ошди. Ҳозирнинг ўзидаёқ қатор хўжаликларда ҳар бир теримчи ҳисобига ўртача 60-70 килограммдан пахта терилмоқда. Бўка тумани меҳнаткашлари 40 минг тонналик хирмон барпо этиш учун мустаҳкам замин яратдилар. Далаларда ишлар кун сайин қизиб бормоқда. Тумандаги Жамбул номли ширкат хўжалиги деҳқонлари «Тошкент-6» пахта навидан юқори ҳосил етиштириб, биринчилардан бўлиб оммавий теримни бошлаб юбордилар. Улар бу йил 640 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 28 центнердан ҳосил олишни режалашмоқда. Кеча Янгийўлда дастлабки ҳосил қарвонлари қабул пунктларига йўл олди. Бекобод, Куйичирчиқ, Чиноз далаларида ҳам қўл терими авж олмоқда.

Виллоятимизда етиштирилган ҳосилнинг асосий қисmini ҳар доимгидек машиналарда териб олиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Терим агрегатлари шай турибди. Шуларга таяниб айтиш мумкинки, 2001 йилда ҳам виллоятимиз меҳнаткашлари пахтадан мўл ва сифатли хирмон уйиб, зиммаларидаги топшириқни ўз муддатида адо этадилар. Ўтган йилдагидек уюшқоқлик, сафарбарлик, интизом ишнинг муваффақиятини таъминловчи омил бўлади.

Носир ИСАЕВ.

СУРАТЛАРДА: (юқоридан пастга) Бекобод туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Мирзаарим Хошимов бош пудратчи, «Шухрат» медали соҳибаси Тўлғоной Тоғаева далаларида етиштирилган ҳосил чўғидан мамнун.

Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги илғор теримчиси Зиёда Иброҳимова ҳар куни хирмонга 120-130 килограммдан пахта топшириб дугоналарига ўрناق бўлмоқда.

Янгийўллик деҳқонлар ҳам пахтадан мўл ва эрта ҳосил етиштирилди. Терим кун сайин авж олдирилмоқда. Дастлабки ҳосилни ортган машиналар «Ўзбекистон 5 йиллиги» пахта тозалаш заво-дига йўл олди.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ШУ КУНГА

БИР КУНДА 11 ФОИЗ!

Чиноз (ўз муҳбиримиздан телефон орқали олинди).

Амир Темури ширкат хўжалиги деҳқонлари бу йил ҳам асосий майдонлардаги пахта ҳосилини машиналарда териб олишни режалашган. Шу мақсадда ғўза баргини тўкиш экиннинг ҳолатига қараб эрта бошланди, ғўза тупларидаги кўсақларнинг 90 фоизи очилгач, ўтган куни 4та «Кейс» машинаси иш бошлади. Раҳматилла Иброҳимов, Эргаш Азимов, Жалил Икромов, Мирҳалил Икромов сингари механик ҳайдовчиларнинг ҳар бири дастлабки кундаёқ хирмонга 23 тоннадан пахта тўқдилар. Шу куни хўжалик йиллик режанинг салкам 11 фоизи миқдорида пахта тайёрлашга эришди.

Кеча тумандаги Т. Эрназаров ҳамда Навоий номли ширкат хўжаликларида ҳам машина теримига киришилди.

БАЛЛИ СИЗГА!

Йиғим-терим бошланган дастлабки кунлардан оқ чинозлик пахтакорларга кўмакка отланган «Чиноздон» ҳиссадорлик жамиятининг 40 нафар ишчи-хизматчилари хирмонга салмоқли улуш қўшмоқдалар. Ўтган куни уларнинг ҳар бири ўртача 65 килограммдан пахта терди.

Тумандаги балиқларга омхта ем ишлаб чиқариш корхонасининг 85 нафар ҳашарчиларининг ўртача терган пахтаси эса 128 килограммни ташкил этди.

Биз мавсумда жамоамиз билан 40 тонна пахтани териб берамиз, дейди «Чиноздон» корхонаси раҳбари Миржалол Фуломов.

Балли Сизга ҳимматли ҳашарчилар!

Такдимот

ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ ЙЎЛИДА

Кейинги пайтларда аҳоли тинчилигини сақлаш, унинг моддий бойликларини қўриқлаш, фуқаролар ўртасида ҳуқуқий тартибот-ташвиқот ишлари олиб бориш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Айниқса, жойларда ташкил этилаётган ҳудудий милиция таянч пунктлари бу йўлда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Куни кеча Оққўрғон туманида иш бошлаган милиция таянч пункти фикримизга далил бўлади. Шу куни Куйичирчиқ туманидаги «Пахтакор» маҳалласида ҳам ана

шундай янги маскан иш бошлади. Қайта таъмирдан чиқарилган бинодан фақатгина милиция бўлинмаси эмас, балки вояга етмаганлар билан иш олиб боровчи нозирнинг хонаси, хотин-қизлар кенгаши, яраштирув комиссияси ҳам жой олди. Бу ташкилотларнинг бир ерда жам бўлиши қоидабузар-

ликнинг олдини олишда, қонунчиликни сақлашда, фуқароларимиз осойишталигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Таянч пунктимиз, — деб ҳикоя қилади милиция капитани Йўлдошбой Тўлаков, — ўнта аҳоли яшайдиган пунктларни ўз назорати остига олган. Бу ердаги ҳолатни, маҳалла-қўйда яшовчиларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиб чиқаямиз. Мақсадимиз битта — ҳамма тинч бўлсин. Шу йўлдаги саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини беришига ишонаман.

Таянч пунктларининг очи-лиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Шораҳим Расулов, туман ҳокимлари иштирок этдилар.

СУРАТЛАРДА: таянч пунктнинг очилиш маросими. Милиция капитани, катта нозир Йўлдошбой Тўлаков, маҳалла оқсоқоли Абдусаттор Омонбоев, нозир Мирзоҳид Пўлатов ўзаро суҳбатда

Аида САИТОВА олган сураатлар.



КАТТА ТЕННИС ЯНА ТОШКЕНТДА



8-16 сентябрь кунлари пойтахтнинг «Юнусобод» спорт мажмуаси кортларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги анъанавий Халқаро турнири бўлиб ўтади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ айтиш мумкинки, турнир ғолибларини олдиндан санаб бериш қийин бўлган, кескин ва мурасасиз курашларга бой, янги спорт юлдузларини кашф этиб, шу пайтгача эъзозда бўлган номдор теннисчиларни шошириб қўядиган, ҳақиқий томошабоп спорт беллашув бўлади. Мазкур турнирда қатнашишга теннис майдонларининг энг донгдор усталари ошиқаётганларининг ўзиёқ шундан далолат беради. Улар орасида россиялик Евгений Кафельников ва Марат Сафин, швейцариялик Марк Россе, америкалик Чак Адамс, англиялик Тим Хенман ва Греч Ру-

седски, франциялик Седрик Пиолин, германиялик Николас Ифер, испаниялик Феликс Мантилья ва Карлос Мойя каби кўплаб спорт усталари борки, уларнинг аксарияти бизнинг кадрдонларимиз бўлиб қолган. Аввалги турнирларда юртдошларимиз бу юлдузлар маҳоратидан завқланиб, муҳлис сифатида кўп олқишлаганлар.

Биз барча юртдошларимизни, газетхонларни бу катта ва гўзал спорт байрами билан муборакбод эта-миз! «Юнусобод» кортлари-га шошили-нг! У ерда ўтган ҳар бир онингиз сиз учун бекиёс кашфиётлар очишига шубҳа йўқ.

ЎЗБЕК КУРАШИ ДУНЁ КЕЗМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбек кураши кунига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар курашнинг уч йил ичида эришган ютуқлари ҳақида гапирдилар. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида улуг алло-маларимиз ва марҳум полвонлар хотирасига бағишланган турнирлар ҳамда фахрий полвонларимизга бағишланган «Ўзбек кураши ёш танла-майди, полвонлар қаримайди» шиори остидаги Ўзбекистон чемпионати ўтказиш билан ўз фаолиятини бошлаган ўзбек кураши бугун дунёнинг беш қитъасида ўз макеи ва салоҳиятини эгаллади.

Венгрияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати давомидан яна

бир қувончли воқеа содир бўлди. ХКА раҳбарияти ва Европа дзюдо уюшмаси раҳбарлари ўзаро музокаралар олиб бориб, кураш ва дзюдо ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш режаларини белгилаб олдилар. ЕДУ президенти Мариус Визез ХКА президенти Комил Юсуповга ЕДУ олтин орденини топширар экан, бу юксак мукофот билан шу пайтгача бор-йўғи уч кишини, жумладан, Россия президенти Владимир Путин, Монако князлигининг шахзода-си Албер ва Халқаро Дзюдо федерацияси президенти тақдирланганини эътироф этди.

«Туркистон-пресс».

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР КЎРГАЗМАСИ

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш Марказида Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган миллий эмитентлар қимматли қоғозлари кўргазмасининг очилиш маросими ўтказилди.

— Кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад фонд бозори мутахассислари, шунингдек, аҳолининг кенг қатламлари-ни миллий эмитентларнинг қимматли қоғозлари намуна-лари билан таништириш, фонд бозорининг мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги ривожини намо-йиш этишдан иборат, — деди марказ бош директорининг ўринбосари Билолиддин Нуриддинов. — Унда йигирмага

яқин молия бозори инсти-тутлари қатнашмоқда. Шунингдек, кўргазма халқаро ташкилотлар ва чет эл элчи-хоналари вакилларини қим-матли қоғозларни сотиб олиш йўли билан сармоя киритиш имкониятлари, фонд бозори инфратузилмасидаги инсти-тутлар фаолияти ҳамда мар-казимизнинг ушбу бозорни бошқаришдаги роли билан кенгрок таништиришни ҳам мақсад қилган.

«Туркистон-пресс».



«Шарқ тароналари» акс-садоси

Маълумки, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қисқа давр ичида дунё миқёсида ўтказиладиган маданий тадбирлар орасида ўзининг муносиб ўрнини топди.

Туркиянинг «ТРТ» халқаро телеканаллари орқали намоёйиш этилган «Шарқ тароналари» учинчи халқаро фестивалининг тантанали очилиш маросими Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонасида Франция маданият намоян-далари, оммавий ахборот воситалари вакиллари эътиборига тақдим этилди. Унда, жумладан, «Темурий-лар санъати ва тарихи» Ассоциацияси, мамлакат радиосининг «France Culture» дастури, «Canal France International» телека-нали вакиллари, Францияда

яшаб келаётган ватандошларимиз, «Умид» жамғармаси йўлланмаси билан мазкур мамлакатда таҳсил олаётган талабалар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тўпланганлар Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов-нинг фестивал иштирокчилари-га йўллаган табригини тинглаб, Регистон саҳнаси узра намоёйиш этилган гўзал ва ранг-баранг мусиқий чиқишларни мароқ билан томоша қилдилар.

Дунёнинг турли мамлакат-ларидан ташриф буюрган санъат аҳли ижросидаги куй-

қушиқлар, элимиз дурдона-си — миллий санъатимиз намояндаларининг чиқишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир ниятида Ўзбекистон Республикасининг «Шухрат» ордени соҳиби, Франциядаги «Темурийлар санъати ва тарихи» Ассоциациясининг раиси Люсьен Керен ўзининг қуйидаги фикрларини билдирди:

— «Шарқ тароналари» жуда гўзал ва ўхшаши йўқ анжумандир. Мен кўп фести-валларнинг гувоҳи бўлганман. Бироқ Самарқандда ўтадиган фестивал ўзгача. Бу мусиқа анжумани турли-туман маданиятларни мужас-самлаштирадиган бетакрор халқаро маданий тадбирдир.

Шунингдек, «France Culture» дастури вакили П. Гетчел, «Canal France International» телеканалли ходими С. Рошто ва бошқа-лар ҳам мазкур мусиқа фестивалининг ўзига хосли-ги ҳамда дунё маданий ҳаётдаги бекиёс аҳамияти ҳақидаги фикрларини изҳор этишди.

«Жаҳон» АА.

Бекобод цемент комбинатини мамлакатимиз қурилиш ашёлари саноатининг тўнғич корхонаси деб бежиз айтишмайди. У бундан 75 йил илгари ишга туширилган эди. 1926 йилнинг ёз ойларида ўзининг биринчи маҳсулоти – цементнинг дастлабки тонналарини турли қурилишларга юборди.

Республикаимиз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин комбинат гўё қайта туғилди. Дастлабки йиллар давомида аста-секин бозор иқтисодиёти шароитларида ишлашга мослаша бошлади. Бунинг учун ишлаб чиқаришни бошқариш, хўжаликни юритиш тизими тубдан ўзгартирилди. Жамоанинг ўзи унинг асосий эгаси бўлиб қолди. Бу ўз навбатида цементчиларнинг масъулиятини янада оширди. Шу сабабли ҳар бир ишчи-хизматчи бутун куч-ғайрати, билими ва маҳоратини сарфлаб, ишлай бошлади. Натижада, бозор иқтисодиётига ўтишдаги муайян қийинчиликлар бартараф этилди. Ўзини ўнглаб олган корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирлар рўёбга чиқарила бошланди. Хиссадорлик жамиятига айлантирилган комбинат ўз акцияларини сотишни ҳам таклиф қилди. Уларни харид қилганлар янглишмадилар.

– Ўтган йили корхонамиз яхши ишлади. Буюртмачиларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлди. Катта фойда олдик, – дейди жамият бошқаруви раиси Умар Дадабоев. – Ана шу фойданинг 53,9 миллион сўмини дивидендга ажратдик. Номинал қиймати 875 сўм бўлган 57 мингдан ортиқ акциянинг ҳар бири бу йил ўз эгаларига 945 сўмдан фойда олиб келди. Умуман, акциядорларимизга тўланаётган дивидендлар йилдан-йилга кўпайиб бораётганидан хурсандимиз.

Аксарият жамиятлар акцияларини сотишга сотяпти-ю ўз акциядорларини рози қилаётгани, аниқроғи, дурустроқ дивиденд тўланаётгани йўқ. Шу жиҳатдан олиб қараганда, «Бекободцемент» акциядорларига кўпчиликнинг ҳавас қилиши шубҳасиз. Ишлаб чиқариш суръатининг тобора ортиб бораётгани, ишчи-хизматчиларнинг манфаатдорлиги анча юқори эканини кўриб, бу ерда корхонанинг номи шунчаки ўзгартириб қўя қолинмаганига гувох бўлиш мумкин. Мулк ўз эгасини, эгаси мулкни топгани туфайли бундан тўрт-беш йил аввал бозор иқтисодиёти қийинчиликларига дош беролмай қулоғига қарзга ботиб қолган корхона ҳозирга келиб қаддини тутиб олди.

1999 йилда бу ерда 420 минг тонна, ўтган 2000 йилда эса 492 минг тонна цемент ишлаб чиқарилди. Истеъмолчиларга асбесткувур, шифер етказиб бериш ҳажми кўпайди. Маҳсулотнинг ўттиз фоизи хорижга экспорт қилинмоқда. Чунки, корхонада цементнинг бир неча ноёб турлари ишлаб чиқарилади. Ўтган йили сульфатга чидамли цемент тайёрлаш йўлга қўйилган бўлса, яқинда республикаимизда биринчи бўлиб тампонаж цементини ишлаб чиқариш технологияси ҳам ўзлаштириб олинди. Табиийки, бундай маҳсулотларнинг харидори доим топилади. Аэропортлар, газ ва нефт са-

ноатининг гигант корхоналарини барпо этишда қурувчилар Бекобод цементисиз иш қилмаслигининг сабаби шунда.

Корхона жамоаси комбинатнинг чорак кам бир асрлик тўйи

хормай-толмай меҳнат қилаяпти. Бу марра ҳам муваффақиятли эгалланмоқда. Ойлик ишлаб чиқариш режалари муттасил ошириб адо этилмоқда. Биргина август ойида топшириқнинг адо этилиши назарда тутилгандан икки фоиз ортиқ бўлди. Бу қўшимча юзлаб тонна цемент ишлаб чиқарилди демакдир.

Корхонада ишлаб чиқариш салмоғини орттириш қатори унинг ҳудудини ободонлаштириш

кўплаб гулзорлар қўқариб турибди.

Цементчилар корхонада уч-тўрт йил аввалги манзарани яхши эслашади. Ҳаммаёқ чанг-лой, ағдар-тўнтарлигидан ичкарига оёқ босиб бўлмасди. Чунки, корхона ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Бугун манзара мутлақо бўлакча. Бир вақтлар ахлат уюлиб ётган ташландиқ ерлар ўрнида боғ ва гулзор яшнаб турибди. Бунинг кўрган кишининг дабдурустан бу ерда цемент ишлаб чиқарилишига ишонгиси келмайди. Жамоа

казилди. Бу муассасалар ишчи-хизматчиларга юбилей кунидан бошлаб хизматга киришдилар.

Янги шаероитда омилкорлик билан ишлаш жамоа аъзолари рўзгорига ҳам барака киритди. Бугун шаҳарда энг кўп маош, дивиденд олаётганлар – цементчилар, энг яхши меҳнат шароити, имтиёزلардан фойдаланаётганлар ҳам ўшалар. Яқинда жамиятнинг ўнта умумтаълим, иккита спорт мактабига кўрсатган ҳиммати ҳам шаҳарга овоза бўлди. Мактаблар-

«БЕКОБОДЦЕМЕНТ»НИНГ ЯНГИ ОДИМЛАРИ

Чуқур иқтисодий ислохотлар йўлидан бораётган бу корхона ўзининг дастлабки маҳсулотини бундан 75 йил муқаддам ишлаб чиқарган эди

аъзолари кейинги вақтларда атроф-муҳит муҳофазасига ҳам жиддий эътибор бермоқда. «Экология ва саломатлик» кунлари доирасида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Шу туфайли ҳам корхона 2000 йил якунига кўра республика ишлаб чиқариш корхоналарининг «Экосан» тизими ва техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари бўйича беллашувида биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Юбилей арафасида цементчиларга хизмат кўрсатувчи қатор

нинг ҳар бирига таъмирлаш ишлари учун 800 минг сўмдан пул ажратилди. Шаҳар марказий касалхонаси қошидаги «Шошилич тиббий ёрдам» бўлими жамоаси ҳам цементчиларни дуо қилиб турибди. Чунки, улар ҳам яқинда корхонанинг совғаси – яп-янги «Дамас» автомашинасини қабул қилиб олдилар.


Корхона ишчи-хизматчилари хиссадорлик жамиятининг 75 йиллик санасини муносиб кутиб олдилар ва уни катта тантана билан нишонладилар. Кутлуг кун муносабати билан икки кун давом этган тантаналарда катта дастурхон ёзилиб, ош тортилди, ўйин-кулги бўлди, санъаткорлар ўзларининг дилрабо қўшиқлари ва рақслари билан тантаналарга файз киритдилар.

Корхона тарихидаги кутлуг сана муносабати билан цементчилар номига узоқ-яқинлардан табрикномалар келиб турибди. Тахририят жамоаси ҳам уларда баён этилган яхши ниятларга қўшилиб, жамоани кутлуг сана билан қизгин табриклайди, унинг бундан кейинги Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатига фақат муваффақиятлар ёр бўлишини чин қалбдан истаб қолади.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТДА: хиссадорлик жамияти клинкер куйдириш цехи бошлиғи Зокиржон Турсунқулов (чапда) ва айланма печ машинисти Орзиқул Бердиқуловлар иш юзасидан маслаҳатлашмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.



нишонланаётган 2001 йилда яна юксак марраларни кўзламоқда. Цемент тайёрлашни ками билан 600 минг тоннага етказиш учун

ва кўаламзорлаштириш ишлари-га алоҳида аҳамият билан қаралмоқда. Бу ерда мингларча туп мевали ва манзарали дарахтлар,

янги муассасалар фойдаланиш-га топширилди. Тиббий даволаш маскани ўз эшикларини очди. Янги дўкон, ошхона қуриб бит-

«ОНАЖОНИМ СУРАТИНИ ЧИЗАМАН»

Янгибозор қўргонидagi 3-балалар боғчасида ўтказилган боғча тарбияланувчилари ўртасидаги расмлар кўрик-танлови шундай номланди. Унда расм чизишга қизиқувчи кичкинтойлар иштирок этишди.

Юқоричирчиқ туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ҳоким муовини Дилфуза Султонова, халқ таълими бўлими мудир Акрамали Инсобоёв, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмита-

си раиси Дариҳа Батаевалар сўзга чиқишиб, истиклолимиз манзараларини тўзал рангтавсирларда чизган болажонларга ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Натижаларга кўра 6-боғча тар-

бияланувчиси 5 ёшли Нуржамол Турғунбоева биринчи, 9-боғчадан 7 ёшли Газиз Хисамуддинов иккинчи, 3-боғча ширинтойи 6 ёшли Дурдона Мамадалиева эса учинчи ўринларни эгаллашди. «Онажоним суратини чизаман» кўрик-танлови голибларига ҳомийлар ўзларининг эсдалик совғаларини топширдилар.

Мансур ЛАТИПОВ.

Тадбир

Биологик усул қўл келмоқда

Қишлоқ хўжалигида экинларни зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилишда атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган кимёвий воситалардан фойдаланишнинг камайириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда Тошкент вилоятида ҳозир ўттиздан кўпроқ биофабрика ишлаб турибди. Улардан тўла қувват билан фойдаланишнинг таъминлаш учун вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси

тўрт миллион сўм маблағ ажратган.

Йил бошидан буён вилоятда икки юз минг гектарга яқин майдондаги экинга биологик усулда ишлов берилди. Жумладан, фойдали ҳашаротларнинг далага ўз вақтида чиқарилиши гўзани кўсак қуртидан асраш билан бир қаторда, захарли кимёвий воситаларни ишлатишни анча камайириш имконини яратди.

ЎЗА.

Dushanba

10

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
*
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Кушлар».
9.05, 12.25 ТВ метео.
9.10 «Соз сеҳри». Муסיкий дастур.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Чипполино». Бадий фильм.
11.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.50, 16.25 ТВ анонс.
12.05 «Шоҳрух клуби».
12.30 «Олтин тож».

Телевизион ўйин.
12.55 «Ўзбекистон - Ватаним маним». Муסיкий дастур.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намойиш этади.
14.25 «Улғайиш поғоналари».
14.45 ТВ клип.
14.55 Кундузги сеанс: «Уйланиш». Бадий фильм.
16.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.55 «Кузга учун уй». Мультфильм.
17.15 Навоий ҳақида ривоятлар. «Химмат».
17.30 Лирик тароналар.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.00 Теннис бўйича

Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро турнирининг тантанали очилиши ҳақидаги репортаж. «Юнус-обод» теннис мажмуидан олиб. кўрсатилади.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўшиқ-ла ҳаёт гўзал». Муסיкий дастур.
21.30 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири.
22.15 «Маънавият» дастури.
23.00 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 24-қисм.
23.25 «Ахборот».

24.00-00.05 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
Телеомошабинлар диққати!
Профилактика муносабати билан душанба, 10 сентябр «Ёшлар» телеканал соат 16.15дан бошланади.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».
16.45 «Давр» ҳафта ичида.
17.25 Ватан ҳақида кўшиқ.
17.30 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал. 6-қисм.
18.00 «Давр»-news.
18.20 Ёшлар овози.
18.40 Оқшом наволари.
18.50 Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро теннис турнирининг очилиш

маросими.
19.25, 21.55 Иқлим.
19.30 «Давр». Ахборот дастури.
20.00 Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро теннис турнири.
20.30 Тафаккур ёлқинлари.
20.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.05 «Сангам». Бадий фильм. 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.40 «Қалбим чечаги». Телесериал. 5-қисм.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интер-футбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.20 Кўрсатувлар тартиби.

17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Мультфильм.
18.15 «Жозиба».
18.30, 21.00, 23.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.40 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.20, 22.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «t 36,6». Муסיкий дам олиш дастури.
19.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.30, 21.20 «Ўзбегим навоси».
21.50 «Авто-news».
22.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30-23.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара» Сериал.
17.15 «Бўгун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.20 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
17.50 «Аралаш». Хажвий киножурнал.
18.00 «Муҳаббат ери». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.40 «Чакалакзорлар қонуни». Хужжатли сериал (Би-Би-Си)
*
21.35 «Бизнес-ревью».
21.40 «ТВ-4 да Немис тўлкини».
22.00 «Клип-антракт».
22.10 Кинематограф. «Қалба яқин кўшиқлар». Бадий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Seshanba

11

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 ТВ метео.
9.00 Теннис бўйича «Президент кубоги халқаро турнири».
11.00 Болалар учун. «Фламинго».
11.25 «Наво таралсин». Муסיкий дастур.
11.40 «Тв клуб».
12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
12.05 Кино янгиликлари.
12.35 ТВ клип.
12.45 «Маънавият» дастури.
13.30 «23,5 даражали бурчак остида».

Телесериал. 24-қисм.
13.55, 14.35 ТВ анонс.
14.10 «Муҳаббат соғинчи». Муסיкий дастур.
14.45 Кундузги сеанс: «Кузги марафон». Бадий фильм.
16.15 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
16.35 «Ўзбек ипаги мўъжизаси». Хужжатли фильм. NHK маҳсулот. Япония.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Орзулар дово-ни».
18.20 «Солиқ ва назорат».
18.35 «Озод юрт одамлари». Бадий-публицистик кўрсатув.
18.50 Эстрада концерти.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25,

21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Шарқ тароналари» III Халқаро музика фестивали.
21.40 «Шу азиз Ватан - барчамизники». Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фестивали. Тошкент шаҳри.
22.05 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири кундалиги.
22.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор»-«Металлург».
23.05 «Ахборот».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».
9.40 Муסיкий лаҳзалар.
9.50 «Живз ва Вустер». Телесериал.
10.40 Ёшлар овози.
11.00 «Сангам». Бадий фильм. 1-қисм.
11.45 Саломатлик сирлари.
12.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интер-футбол.
13.40 Юксалиш.
14.00 «Қалбим чечаги». Телесериал. 5-қисм.
14.45 Кўхна оҳанглар.
14.55 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили», «Келинг, танишайлик».
15.20 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал. 7-қисм.

16.00 Муסיкий лаҳзалар.
16.10 Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро теннис турнири.
18.25, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро теннис турнири.
20.00 Марди майдон.
20.20 Ғазал соғинчи.
20.40 Ёшлар овози.
21.00 «Сангам». Бадий фильм. 2-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.40 «Қалбим чечаги». Телесериал. 6-қисм.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури.
00.20-00.25 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Болажонлар экрани. «Афсунгар».
18.30, 21.00, 23.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.40 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.20, 22.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «t 36,6». Муסיкий дам олиш дастури.
19.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.30, 21.20 «Ўзбегим навоси».
21.50 «Дурдона».
22.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30-23.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара» Сериал.
17.15 «Бўгун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.20 «Рус экстрими».
17.50 «Муҳаббат ери». Сериал.
18.50 «Рус транзити». Сериал. 4-қисм.
20.00 «Время».
*
20.40 «Бизнес-ревью».
20.45 «Бебилиска пул». Сериал.
21.35 «Оила» сайёрасида.
21.50 «Х-Спорт».
22.05 «Клип антракт».
22.15 Кинематограф. «Меҳр-шафқат ҳамшираси». Бадий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Chorshanba

12

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55, 13.00 ТВ метео.
9.00 Теннис бўйича «Президент кубоги Халқаро турнири».
13.05 «Муסיкий учрашувлар».
14.00, 18.00 Янгиликлар.
14.10 «Шу азиз Ватан барчамизники». Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фестивали. Тошкент шаҳри.
14.35 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.

14.55 «Остонаси тиллодан».
15.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
«Нефтчи» - «Насаф».
16.00 «Цирк, цирк, цирк».
16.30 «Экспедиция». Телесериал. 3-қисм.
17.20 «Кумсоат».
17.30 «Навоий ҳақида ривоятлар». «Бир матла тарихи».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.40 Муסיкий танаффус.
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 «Олтин мерос».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Дилёр мадҳи». Муסיкий дастур.
21.40 «Толеи ёруғ одамлар».
21.55 Теннис бўйича «Президент кубоги Халқаро турнири кундалиги».
22.10 «Индонезия таассуротлари».
22.30 «Ахборот».
23.05-23.10 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили», «Келинг, танишайлик».
9.40 «Мультмоша».
9.55 «Живз ва Вустер». Телесериал.
10.45 Саломат бўлинг.
11.15 «Сангам». Бадий

фильм. 2-қисм.
12.00 «Истиклолинг муборак, элим».
12.25 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.50 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув.
13.10 Муסיкий лаҳзалар.
13.20 Автосалтанат.
13.35 Жаҳон жуғрофияси.
14.25 Кўхна оҳанглар.
14.35 «Қалбим чечаги». Телесериал. 6-қисм.
15.20 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой экрани».
15.45 Очун.
16.10 Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро теннис турнири.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Ўзбекистон

Президенти кубоги Халқаро теннис турнири.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Ёшлик наволари.
20.35 Ракурс.
20.55 Ватан ҳақида кўшиқ.
21.00 «Мустақиллик мўъжизаси». Видеофильм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Қалбим чечаги». Телесериал. 7-қисм.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интер-футбол.
1.25 -1.30 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.20 Кўрсатувлар тартиби.

17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Мультфильм.
18.15 «Жозиба».
18.30, 21.00, 23.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.40 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.20, 22.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «t 36,6». Муסיкий дам олиш дастури.
19.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.30, 21.20 «Ўзбегим навоси».
21.50 «Интерспорт».
22.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30-23.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30 - 8.00
15.00 -15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара» Сериал.
17.15 «Бўгун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.20 «Инсон ва қонун».
17.50 «Муҳаббат ери». Сериал.
18.50 «Рус транзити». Сериал. 5-қисм.
20.00 «Время».
*
20.40 «Бизнес-ревью».
20.45 «Бебилиска пул». Сериал.
21.35 «СНН-шоу».
21.50 «Клип-антракт».
22.00 Кинематограф. «Оқ тўфон». Бадий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Payshanba

13

«Ўзбекистон» телеканал

6.00-«Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

8.55, 13.00 ТВ метео.
9.00 Теннис бўйича «Президент кубоги Халқаро турнири».
13.05 «Нафосат гулшани». Муסיкий дастур.
13.35 «Индонезия таассуротлари».

13.55 ТВ клип.
14.00, 18.00 Янгиликлар
14.10 «Севги рақси». Хужжатли фильм.
14.55, 17.25 ТВ анонс.
15.05 «Йиллар ва йўллар».
15.25 «Умидли дунё». М. Уйгур номидаги Тошкент давлат санъат институти талабаларининг

спектакли.
17.05 Ўзбек куйларидан концерт.
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 ТВ клип.
19.10 «Юки ерда қолмас элимнинг».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.30 «Талқин».

21.55 Теннис бўйича «Президент кубоги Халқаро турнири кундалиги».
22.10 «Саҳна ҳаёти».
22.35 «ТВ - клуб».
22.55 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 25-қисм.
23.20 «Ахборот».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой экрани».
9.40 «Мультмоша».
9.55 Муסיкий лаҳзалар.

10.05 «Живз ва Вустер». Телесериал.	студияси: «Катта танаффус».	20.40 Мезон.	«Тошкент» телеканал	кутлаймиз».	15.00 – 15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ	18.50 «Рус транзити». Сериал. 6-қисм.
10.55 Спорт қитъаси.	15.40 Ёшлар овози.	21.00 «Сангам». Бадий фильм. 3-қисм.	17.20 Кўрсатувлар тартиби.	20.30, 21.20 «Ўзбегим навоси».	*	20.00 «Время».
11.25 Сенинг вақтинг.	16.10 Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро теннис турнири.	21.45 Олтин мерос.	17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».	21.50 «Тошкент ва тошкентликлар».	15.55 Кўрсатувлар тартиби.	20.40 «Бизнес-ревью».
11.45 «Шумтақалар». Мультсериал.	18.55, 21.55 Иқлим.	22.00 «Давр». Ахборот дастури.	18.05 «ТВ плюс».	22.05 ТТВда сериал: «Селеста».	16.00 «Вести».	20.45 «Бебилиска пул». Сериал.
12.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.	19.00 «Давр». Ахборот дастури.	22.30 Тунги тароналар.	18.30, 21.00, 23.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.	23.10 Оҳанглар ва эълонлар.	16.25 «Морена Клара». Сериал.	21.35 «Соккер-клуб».
13.45 Кўҳна оҳанглар.	19.30 Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро теннис турнири.	23.25 «Давр». Ахборот дастури.	18.40 «Эҳтиром ила».	23.15 Кинонигоҳ. «Оила қадри».	17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.	21.55 Кино сайёраси.
13.55 Бегойим.	20.05 Ёшлар овози.	23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.	19.10, 20.20, 22.50 «Экспресс» телегазетаси.	00.50-00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»	17.20 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий журнал.	22.15 «Клип-антракт».
14.15 «Қалбим чечаги». Телесериал. 7-қисм.	20.25 Ёшлик қўшиқлари.	1.15-1.20 Хайрли тун!	19.20 «t 36,6». Мусикий дам олиш дастури.	«Халқаро» телеканал	17.50 «Муҳаббат ери». Сериал.	22.40 Кинематограф. «Шамолларда қолган ҳисларим». Бадий фильм. 1-қисм.
15.00 Одобнома.			19.50 «Табриклаймиз-лар».	РЖТ 6.30-8.00		00.15 «Ахборот» (рус тилида)
15.20 «Янги авлод»						00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

JUMA 14

«Ўзбекистон» телеканал	хазинаси».	20.30 «Ахборот».	лар.	19.30 Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро теннис турнири.	18.15 «Жозиба».	тартиби.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»	15.30 «Экспедиция». Телесериал. 4-қисм.	21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусикий дастур.	10.10 «Живз ва Вустер». Телесериал.	20.00 Ҳуқуқ ва бурч.	18.30, 21.00, 23.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.	16.00 «Вести».
8.00-8.35 «Ахборот».	16.20 «Ўзлинг намойиш қил». Экранда - Фаргона вилояти.	21.30 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикод мустақамлиги йўлида».	11.00 Мезон.	20.20 Муҳаббат қўшиқлари.	18.40 «Эҳтиром ила».	16.25 «Морена Клара». Сериал.
8.35, 17.55 ТВ-маркет.	16.45 «Рақоса хиром этса».	22.00 Теннис бўйича «Президент кубоги Халқаро турнири кундалиги».	11.20 «Сангам». Бадий фильм. 3-қисм.	20.30 Аср қиёфаси.	19.10, 20.20, 22.50 «Экспресс» телегазетаси.	17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
8.40 Газеталар шарҳи.	17.20 Навоий ҳақида ривоятлар. «Навоий ва ўтинчи чол».	22.15 «Ривож».	12.05 Ёшлар овози.	20.50 Мусикий лаҳзалар.	19.20 «t 36,6». Мусикий дам олиш дастури.	17.25 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».
9.00 Теннис бўйича «Президент кубоги Халқаро турнири».	17.40 «Нурли манзиллар».	22.25 Олам. Телеальманах.	12.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.	21.00 «Сангам». Бадий фильм. 4-қисм.	19.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».	*
13.00 ТВ метео.	18.10 «Қонун ва ижро».	22.50 «Орзулар қанотида».	14.00 Кўҳна оҳанглар.	21.45 Олтин мерос.	20.30, 21.20 «Ўзбегим навоси».	17.50 «Муҳаббат ери». Сериал.
13.05 «Севги сурури». Мусикий дастур.	18.25 Мусикий танаффус.	23.15 «Ахборот».	14.10 «Қалбим чечаги». Телесериал. 8-қисм.	22.00 «Давр». Ахборот дастури.	21.50 «Сухбатдош».	18.50 «Мўъжизалар майдони».
13.30 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 25-қисм.	18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.	23.50-23.55 Ватан тимсоллари.	14.55 Қули гул уста.	22.30 Тунги тароналар.	22.05 ТТВда сериал: «Селеста».	20.00 «Время».
13.55, 17.10 ТВ анонс.	19.05 «Имконият».	«Ёшлар» телеканал	15.15 Мусикий лаҳзалар.	22.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.	23.10 Оҳанглар ва эълонлар.	20.50 «Бизнес-ревью».
14.00, 18.00 Янгиликлар	19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар	8.55 Кўрсатувлар дастури.	15.45 Шамчирок.	23.40 «Давр». Ахборот дастури.	23.15 Кинонигоҳ. «Қаҳрамон».	20.55 «Дурдаршан».
14.10 «Саҳна ҳаёти».	19.30 «Ахборот» (рус тилида)	9.00 «Давр». Ахборот дастури.	16.00 Мусикий лаҳзалар.	23.55-00.05 Мунаввар тонг истаб.	00.55-1.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»	21.20 «Дунё авиацияси».
14.35, 15.00 ТВ клип.	20.00 Оқшом эртақлари.	9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».	16.10 Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро теннис турнири.	«Тошкент» телеканал	«Халқаро» телеканал	21.35 «Клип антракт».
14.45 «Инсон ва замин».	20.15 «Тиббиёт одимлари».	9.45 «Мультмоша».	18.55, 21.55 Иқлим.	17.20 Кўрсатувлар тартиби.	РЖТ 6.30-8.00	21.45 Кинематограф. «Шамолларда қолган ҳисларим». Бадий фильм. 2-қисм.
15.10 «Жавохирлар		10.00 Мусикий лаҳзалар.	19.00 «Давр». Ахборот дастури.	17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».	15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ	23.40 «Ахборот» (рус тилида)

SHANBA 15

«Ўзбекистон» телеканал	«Спорт» дастури:	дастури.	меҳмон.	20.00 Ёшлар овози.	19.55 «t 36,6». Мусикий дам олиш дастури.	«Доктор Голливуд». Бадий фильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»	16.10 «Яккама якка жанг». Каратэ.	21.50 «Шанба оқшомида».	11.20 Жаҳон жуғрофияси.	20.20 «Ирода Тўлаганова. Ғалабалар даври». Видеофильм.	20.35 «Табриклаймиз-кутлаймиз».	12.15 CFI тақдим этади: Балет.
8.00-8.35 «Ахборот».	16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш турнири. Хитой ва Ўзбекистон терма жамоалари учрашувидан репортаж.	22.10 Теннис бўйича «Президент кубоги Халқаро турнири кундалиги».	12.10 Юнус Ражабий номидаги Ўзбекистон Телерадиокмпанияси «Маком» ансамбли хонандалари куйлайди.	20.45 Мусикий лаҳзалар.	21.05 «Нима учун?» Ҳажвий кўрсатув.	13.15-14.15 Дўстлик видеоканал: «Бизнен мирас», «Сахий хонадонда», «Немис шарҳи».
8.35 ТВ маркет.	18.15 «Миттивойлар оиласи». Киноқўрсатув.	22.25 «Ахборот».	12.30 «Рамаяна». Телесериал.	20.55 «Рамаяна». Телесериал.	21.25, 22.35 «Ўзбегим навоси».	*
8.40 Газеталар шарҳи.	18.35 «Мусиқа: кеча ва бугун».	«Тунги ёғду» кинодастури:	13.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.	21.30 Футбол плюс.	21.55 М. Бобоев.	17.30 Кўрсатувлар тартиби.
8.55, 13.00 ТВ метео.	19.00 «Кино, ижод ва талқин».	23.00 «Ўзбекистон» каналда биринчи марта «Титаник». Бадий фильм. 1-қисм.	14.05 ТВ-саёҳат.	21.50 Олтин мерос.	«Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 9-қўй.	17.35 «Бинафша».
9.00 Теннис бўйича «Президент кубоги Халқаро турнири».	19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар	00.35-00.40 Ватан тимсоллари.	14.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.	22.00 «Давр». Ахборот дастури.	23.15 «Спорт-тайм».	*
13.05 «Яхши кайфият». Мусикий дастур.	19.30 «Ахборот» (рус тилида)	«Ёшлар» телеканал	15.15 Мухлис.	22.30 Тунги тароналар.	23.35 Оҳанглар ва эълонлар.	17.50 Одри Хепберн ва Грегори Пек «Рим таътиллари» роман-тик комедиясида.
«Тирик сайёра» кинодастури:	20.00 Оқшом эртақлари.	7.55 Кўрсатувлар дастури.	15.40 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».	23.00 «Ўйин». Бадий фильм.	23.40 Кинонигоҳ. «Насриддиннинг саргузаштлари».	20.00 «Время».
13.35 «Бўрилар ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм.	20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)	8.00 «Давр тонги».	16.00 Мусикий лаҳзалар.	1.00-1.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»	1.00-1.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»	*
14.25 ТВ анонс.	20.30 «Ахборот».	9.00 «Янги авлод» студияси: «Ўй вази-фаси».	16.10 Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро теннис турнири.	«Тошкент» телеканал	«Халқаро» телеканал	20.35 «Бизнес-ревью».
14.35 «Дўстлик» видеоканал: «Мех-рангез», «Жетиген».	21.05 «Олтин дала». Ахборот дам олиш	9.20 «Мультмоша».	18.55, 21.55 Иқлим.	17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».	9.00 Кўрсатувлар тартиби.	20.40 «Азиз сиймо-лар».
14.55 «Кувноқ шаҳарча». Телемусобақа.		9.35 Мусикий лаҳзалар.	19.00 «Давр». Ахборот дастури.	18.10 Болажонлар экрани. «Афсунгар».	9.05 «Клип антракт».	21.10 «Саёҳатлар олами».
15.25 «Зийнат».		9.40 Аср қиёфаси.	19.30 Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро теннис турнири.	18.35 «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.	9.10 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси».	21.25 «Мюзик-холл».
15.35 Наманган вилояти хонандаларининг концерти.		10.00 Аёл қалби наволари.		18.55 «Хусусийлашти-риш: қадам-бақадам».	9.45 «Смак».	21.50 Кинематограф. «Анойи». Бадий фильм.

Yakshanba 16

«Ўзбекистон» телеканал	15.00 «Ўзбекистон» каналда биринчи марта. «Фликнинг саргузаштлари». Мультфильм.	22.00 Теннис бўйича «Президент кубоги Халқаро турнири якунларига доир».	лар.	20.00 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.	20.35 «Мусфакт».	11.40 Болалар соати: «Шаҳзода ва гадо». Бадий фильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»	16.30 «Муҳофаза».	23.00 ТВ-1 намойиш этади.	12.00 «Денгиз жанги». Телелотерея.	20.15 «Рамаяна». Телесериал.	20.45, 21.35 «Ўзбегим навоси».	12.55 «CFI янгилик-лари».
8.00-8.35 «Ахборот».	16.40 «Олтин тож».	23.15 «Ўзбекистон» каналда биринчи марта. «Титаник». Бадий фильм. 2-қисм.	12.45 «Рамаяна». Телесериал.	20.50 «Заковат» интеллектуал ўйини.	21.15 «Фаровонлик бекати».	13.05 «Дўстлик» видеоканал: «Ран-гинкамон», «Дидар».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастури.	17.00 Теннис бўйича «Президент кубоги Халқаро турнирининг финал учрашуви ва тантанали ёпилиши».	00.50-00.55 Ватан тимсоллари.	13.20 Ёшлар овози.	21.50 Олтин мерос.	22.05 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 10-қўй.	13.45 – 14.15 «Немис тили».
9.00 «Ватанимга хизмат қиламан».	17.30 «Тахлилнома» (рус тилида)	«Ёшлар» телеканал	13.40 III Халқаро «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали саҳифаларида.	22.00 «Давр» ҳафта ичида.	22.55 Оҳанглар ва эълонлар.	*
10.00 Теннис бўйича «Президент кубоги Халқаро турнири».	20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар	7.55 Кўрсатувлар дастури.	14.00 «Надомат белги-лари». Бадий фильм.	23.00 Кинонигоҳ. «Оқим».	23.00 Кинонигоҳ. «Оқим».	18.00 Кўрсатувлар тартиби.
13.00 ТВ метео.	20.05 «Оҳангларга ошuftа кўнгил». Мусикий дастур.	8.00 «Давр тонги».	15.30 Кишлоқдаги тенгдошим.	00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»	00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»	18.05 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».
13.05 Куйлардан қўшиқларга.	20.30 «Тахлилнома».	9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».	15.50 Хоразм наволари.	«Халқаро» телеканал	«Халқаро» телеканал	19.35 Жеки Чан «Тигиз пайт» комеди-ясида.
13.25 Телевизион миниатюралар театри.	21.15 «Якшанбада сиз билан бирга».	9.20 Болалар экрани. «Самсон ва Салли». Мультфильм.	16.10 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чақон?»	9.00 Кўрсатувлар тартиби.	9.05 «Клип антракт».	*
14.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.	Мусикий дам олиш дастури.	10.40 Футбол плюс.	16.35 Якшанбада кўришгунча.	9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».	9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».	21.30 «Бизнес-ревью».
14.20 2001 йил Аналар ва болалар йили. «Она меҳри».		10.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.	16.50 Мусикий лаҳзалар.	9.30 «Хамма уйдалиги-да».	10.05 «Кайфият» дам олиш дастури.	21.35 «Тенгдошлар».
14.40 «Бўстон».		11.30 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: Марди майдон.	17.00 Ўзбекистон Президенти кубоги Халқаро теннис турнири.	10.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)	11.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)	22.05 «Кинопрофи».
Тележурнал.		11.50 Мусикий лаҳзалар.		11.15 «Парле ву франсэ?»		22.25 Кинематограф. Жерар Депардье «Ўнг қирғок, сўл қирғок» фильмида.

XXI ASR KOMPIYOTER TEKHOLOGIYALARI



Пойтахтдаги «Intercontinental» меҳмонхонасида «SEMURG` TEXSERVIS» компанияси ўтказган тақдимот шундай аталди

Мазкур тадбир Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш, Интернетнинг халқаро ахборот тизимларига кенг халқ оммаси киришини таъминлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланди.

Маълумки, бугунги кунда жамияти-

мизда ахборот тизимининг салмоғи тобора ошиб бораёпти. Юксак ривожланган ахборот инфратузилмаси мамлакатимиз ишлаб чиқаришининг халқаро даражада рақобатбардошлигини ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этаёпти. Қатор давлатларда ахборот инфратузилмалари барпо этилиб, улар орқали янги технологиялар ўзлаштирилмоқда ва ҳаётга тадбиқ этилаёпти.

Шу тамойилларга мувофиқ иш кўраётган «Semurg` Texservis» компанияси ҳам узоқ муддатли режалар тузиб, юртимизга энг замонавий техника ва технологияларни олиб кириш-

раяпти. У компьютерлар, нусха кўчирувчи аппаратлар, мини-АТСлар, видео ва конференц-алоқа жиҳозлари, видеокузатув, телекоммуникация техникаси ҳамда сифатли сервис хизмати билан шуғулланади. Ўта янги маҳсус ускуна ва жиҳозлардан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистонда янги алоқа воситаларини ривожлантириш ва тадбиқ этиш имкониятига эга эканлигимизни намойиш этиш ниятимиз бор.

Тадбир Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда республика почта ва телекоммуникация агентлиги иштирокида ўтди. Унда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга шахсий вэб-сайт топширилди.

Энди шоир ижоди ва публицистик асарлари билан Интернет тармоғи орқали танишиш имкони туғилади.

Тақдимотда Hewlett Packard (АҚШ), Canon (Япония), ITEL (Исроил) каби компьютер ҳамда технологиялар ишлаб чиқарувчи нуфузли корхоналарнинг энг янги маҳсулотлари намойиш этилди. Тақдимот қатнашчилари компания вакилларига ўзларини қизиқтирган саволларни бериш ҳамда янгиликлар билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳозирги замон масофавий алоқа техникаси имкониятларини намойиш этиш мақсадида тақдимот ўтаётган зал билан Гулистон Давлат университети орасида тўғридан-тўғри видеоқўприк ўрнатилди. Телекоммуникация жиҳозлари ишлаб чиқарувчи ITEL компанияси вакили уларнинг имкониятлари ва афзалликлари ҳақида сўзлаб берди.

Шунингдек, тақдимотда «Semurg` Texservis» компанияси ўзбекистонлик ўн беш нафар ўқувчи ва талабаларга эсдалик совғаларини топширди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азиизларни 2001 йил 11 ва 18 октябрь кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади. Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. «Ўздавмелиосувлойиҳа» илмий тадқиқот институтига қарашли Бўстонлиқ тумани «Хумсон» қишлоғида жойлашган «Фунча» болалар дам олиш оромгоҳи ҳудудидаги умумий майдони 224,13 кв.м бўлган «3» рақамли ётоқхона ва умумий майдони 120,43 кв.м бўлган «U» рақамли коттеж бинолари.

Бошланғич баҳоси – 5.247.133 сўм (ер майдонлари бу баҳога кирмайди).

2. «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трестига қарашли 43-сонли автотранспорт корхонасининг Чорбоғ филиалига қарашли Бўстонлиқ тумани Нанай қишлоғида жойлашган «Нанай» дам олиш маскани. Дам олиш масканига тегишли автофургон АПО8, 2та вагон ПДУ, бостирма ошхона, металлдан ишланган тўсиқ.

Бошланғич баҳоси – 855.842 сўм (ер майдонлари бу баҳога кирмайди).

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, баҳолаш учун хизмат ҳаққи сифатида 115,0 минг сўм. «Хусусиylashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига тўланади.

3. Бекобод шаҳар ҳокимияти тасарруфидаги:

Бекобод шаҳар 12 микрорайонда жойлашган 1 қаватли капитал таъмирлашга мухтож ярим-ертўла биносининг 229,2 кв.м бўлган қисми

Бошланғич баҳоси – 393710 сўм (ер майдонлари бу баҳога кирмайди).

Бекобод шаҳар 65-даҳа 1-уйда жойлашган 4 қаватли бинонинг 1-қаватидаги 52,7 кв.м майдонни эгаллаган «Чародейка» сартарошхонаси.

Бошланғич баҳоси – 214150 сўм (ер майдонлари бу баҳога кирмайди).

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан

мулкнинг харид тўловларидан ташқари, баҳолаш учун хизмат ҳаққи сифатида 52,7 кв.м. майдонли «Чародейка» сартарошхонаси учун 17,200 сўм ва ярим-ертўла биносининг 229,2 кв.м. бўлган қисми учун 25,300 сўм. «Хусусиylashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига тўланади.

4. Бўстонлиқ тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига тегишли «ИЖ-2715» русумли, давлат рақами 70-22 ТШП бўлган автотранспорт (носоз).

Бошланғич баҳоси – 156000 сўм.

5. Давлат божхона кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига тегишли ГАЗ – 6611 русумли, давлат рақами 15-89 ТНП бўлган автотранспорт (носоз).

Бошланғич баҳоси – 317000 сўм.

6. Бекобод тумани «Ўзгросуғурта» бўлимига қарашли «Дамас» русумли, давлат белгиси 11 AN 125 бўлган автотранспорт (носоз).

Бошланғич баҳоси – 416000 сўм.

7. Янгийўл тумани «Халқобод МТГ» ДАЖга қарашли «ИЖ-2715-011-01 русумли, давлат рақами 90-00 ТШМ бўлган автотранспорт (носоз).

Бошланғич баҳоси – 156000 сўм.

8. Ўртачирчиқ тумани Охунбобоев жамоа хўжалиги сатҳи 400 кв.м. бўлган 20та ер майдони.

Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 46400 сўм.

9. «Ўзбекнефтгаз» ДАКнинг «Комплекс тематик экспедиция» очик турдаги акциядорлик жамиятига қарашли бўлган Бўстонлиқ тумани Нанай қишлоғида жойлашган «Нанай» дам олиш маскани ва қуйидаги мулки: фиштли ошхона 18.4 кв.м., 2 қаватли ётоқхона корпуси 816 кв.м., фиштли хожатхона, меҳмонхона корпуси 416 кв.м., 2та павильон ҳар бири 18 кв.м., темир бе-

тондан ишланган бостирма 25 кв.м., бас-сейн 18х10 м., кўчма электростанция, трансформатор, радиоприёмник, 2та холодильник, қайиқ, стол тенниси столи, 3та жунли гилам.

Бошланғич баҳоси – 25.094.300 сўм.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари давлат божи учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ Давлат ордерини олиш учун маҳаллий бюджетга тўланади.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2001 йил 29 августдаги 66-сонида эълон қилинган қуйидаги объектлар республика кўчмас мулк биржасининг 10, 17, 24 октябрь куни соат 11.00да ўтадиган савдоларига қўйилади. Мурожаат учун телефонлар: 136-15-28, 136-15-29.

«Ўзбеккимёсанот» ДАКнинг «Аммофос» ИЧБга қарашли:

Олмалик шаҳар А.Темур кўчасида жойлашган «Химик» маданият саройи.

Бошланғич баҳоси – 107.997.200 сўм.

Олмалик шаҳар А.Темур кўчасида жойлашган «Кимёгар» меҳмонхонаси.

Бошланғич баҳоси – 100.000.000 сўм.

Олмалик шаҳар А.Темур кўчасида жойлашган «Профилакторий» объекти.

Бошланғич баҳоси – 73.573.000 сўм.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг чап қаноти. Тел: 133-28-52, 133-43-73, 133-77-18, факс: 133-49-31.

Хабарнома: 2001 йил август ойида аукционда 104та ер майдонлари жами 18.905.000 сўмга, 1та ДСИ объект 700.000 сўмга, 1та ДСИ объект 50.000.000 сўмга ва 1та автотранспорт 650.000 сўмга сотилди.

МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ, ЕВРО



Германиянинг Майндаги Франкфурт шаҳрида жойлашган Европа марказий банкининг раҳбари Вим Дузенберг бутун қитъа иқтисодиётида «хукмронлик» қиладиган янги валюта — еврони тантанали суръатда намойиш қилди. Евро 1 сентябрдан бошлаб Фарбий Европанинг барча тижорат муассасаларига келиб туша бошлади. Келгуси йилнинг бошидан янги пул тўлалигича муомалага киргач, унинг умумий миқдори 664 миллиард еврога етиши тахмин қилинмоқда.

Тарихдан маълум, худди шундай воқеа, яъни пул алмаштириш юз берганида, Германиядаги муттаҳамлар 20 миллиард немис маркасини «гумдон» қилишга улгурган эдилар. Шундай воқеа рўй бермасин деб, евро ўзининг янги, доимий яшаш жойига «эсон-омон» етиб бориши учун бутун зирхли техника ва ҳарбий бўлиналари сафарбар қилишга тўғри келди. Бу ишларнинг ҳаммасига юз миллиард доллар сарф бўлади. Европа марказий банки раҳбарининг таъкидлашича, 300 миллион киши 12 давлат чегараларидан ўтганда ҳамма бир хил пулга эга эканлигини кўриб, ажабланиши турган гап.

Франкфуртда тақдимот маросими бўлиб ўтгач, Европа комиссияси Россиядаги матбуот ва ахборот вакили Силвия Кофлер янги валюта — еврони намойиш қилди. Ушбу ягона валюта зонасида кирмайдиган давлатлар қандай йўл тутиши ҳақида батафсил маълумот берди.

Кофлернинг таъкидлашича 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб, фуқаролар еврони нафақат сотиб оладилар, балки, эски Европа валюталари-

га бемалол алмаштирадилар ҳам бўлади. Эски европа валюталарини алмаштиришга ҳеч қандай чегара қўйилмай-

ди. Фақатгина сохта пул усталаридан эҳтиёт бўлиш уқтирилади, холос.

Ҳар бир пул алмаштириш, албатта, иқтисодиётнинг ривожланиши, халқнинг фаровонлиги ўсишига хизмат қилади. Евронинг қадами кутлуг келишидан умидвормиз. Зеро, Европадан эсадиган ҳар қандай илик шамол Осиёга фақат яхшилик олиб келишини кўп бор қўзатганмиз.

ҚИСКА САТРАЛДАР

- «Маммут» фирмасининг мутахассислари Баренц денгизи тубига вакуум лангарлар ҳамда йўғон трослардан ясалган арраларни ўрнатиб бўлдилар. Энди ушбу арралар ёрдамида «Курск» атом сув ости кемасини кесиш ишлари бошланади.
- Охота денгизда ғайриоддий кема сузиб юрибди. Унинг бортида бир гуруҳ геолог олимлар бор. Улар Охота денгизда яшайдиган китларнинг сонини аниқлашни ўз олдидарига мақсад қилиб қўйганлар. Бундай экспедиция охириги ўн беш йил ичида биринчи бор ўтказилмоқда.
- Қобул шаҳридаги Олий шариат судида 8 хорижлик фуқаронинг иши кўриб чиқила бошланди. Улар Афғонистонда христианликни тарғиб қилишда айбланмоқдалар.
- Роберт Мисллар шу йилнинг 4 сентябридан бошлаб АҚШ федерал қидирув хизматида иш бошлади. Луис Фрининг ўрнига келган янги бошлиқ бу лавозимда ишлаётган тўққизинчи кишидир.
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Дурбан шаҳрида ирқчиликка қарши ўтказётган конференциясини АҚШ делегациясидан кейин Исроил вакиллари ҳам ташлаб кетдилар. Бунга Араб мамлакатларининг якуний ҳужжатда Исроилни ирқчилик давлати деб тан олинишини талаб қилиши сабаб бўлди.
- Мексика ҳукумати шакарқамишни қайта ишловчи 27 заводни миллийлаштирди. Бу мамлакат қанд саноатининг 60 фоизини ташкил этади.

ЭНГ КАТТА ОИЛА

Эру хотин Мигел ва Розалия Прискаларни Бразилияда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Улар турмуш қурганларида Мигел ўн саккиз, Розалия эса ўн тўрт ёшда бўлган экан. Худди Ромео ва Жульетта сингари бир-бирга эрта кўнгил қўйган келин-куёвлар мана қирқ йилдан бери тотув, аҳил яшаб келмоқдалар. Шу давр мобайнида улар 14 ўғил, 24 қизлик бўлдилар. 72 неваранинг эса, деярли ҳаммаси ўрта мактабни тугатган. Эвараларнинг бири йўлга кирган, бири ҳали йўракда. Бразилияликлар бу катта, аҳил оила билан жуда-жуда фахрландилар.

Ажаб савдолар

Мабодо Парижга бориб қолсангиз, у ерда оёғига роликли коньки боғлаб олган миршабларни кўриб ажабланмай иложингиз йўқ. Улар мусобақа ўтказишгаётгани йўқ, балки одатий хизмат бурчларини адо этмоқдалар. Шаҳар маъмурияти миршаблар филдирак устида бўлсалар, қоидабузарларни тутишлари осон бўлади, деб ҳисобламоқда. Ҳозирча 30 нафар полициячи Париж кўчаларида навбатчилик қилапти. Уларни Елисей майдонида, хиёбонларда, оромгоҳларда ҳар кун кўриш мумкин.

ФИЛДИРАКЛИ ПОСБОНЛАР

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ИШЛАРИ

КИТОБХОНЛИК КОНИ ҲОЙДА ЭКАН

Бошқаларни билмадигу лекин эронлик Фахруддин китобхонлиқнинг фойдасини ўз ҳаётида синаб кўрди. У Мексикада жиноятчи сифатида қўлга олинган, узок муддатга озодликдан маҳрум этилди. Қамоқхонада ўтирар экан, китобхонликка кўнгил қўйди. Бу ердаги кутубхонадан китобларни олиб, мириқиб ўқишни бошлади. Бир сафар унинг қўлига Александр Дюmanın «Граф Моте Кристо» романи тушиб қолди. Ўқиб чиққач, унинг қаҳрамони Иф қалъасидан қочиб кетганидан ниҳоятда ҳайратга тушди. У ҳам граф каби йўл тутишга қарор қилди. Дастлаб уни ўткир тош

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

топди, қурилганига юз йил бўлган ҳибсхонанинг деворларини тешиди, амаллаб томга чиқиб олди. У ердан қўшни бинонинг томига сакради, чойшаблардан тайёрланган саккиз метрлик аркон ёрдамида томдан кимсасиз йўлакка тушди ва дом-дараксиз йўқолди. Энди ҳибсхона маъмурияти кутубхонадаги «Граф Монте Кристо» сингари асарларни ўқишни ман этса, ажаб эмас.

ГУВОҲ ЭДИ, КУЁВ БЎЛДИ

38 ёшга кирган ғирт бўйдоқ Жек Крейв хотин деса жонипони чиқиб кетарди. Бир кун энг қадрли дўстидан тўйимда гувоҳ бўлган мазмунда таклифнома олди. Тўйхонага кириб келганини билади, ҳамма уни иззат-икром билан келин бўлмиш Никол хонимнинг ёнига ўтказиб қўйди. Маълум бўлишича, келин бу бўйдоқни жуда хуш кўрар, унинг васлига етиш учун шу найрангни ўйлаб топган экан. Жек шунчалар ажабландики, ҳатто келиннинг таклифини рад этишга ҳам ҳоли қолмади. Қайлиғини етаклаб меҳроб сари йўл олди. Кейинроқ Никол хонимга топқирлиги учун миннатдорчилик билдирибди. Унинг айтишича, агар шундай йўл тутмаганда, у бир умр ҳаёт лаззати нималигини билмай ўтар экан. «Гоҳ пирдан, гоҳ муриддан» деганлар шу бўлса керак-да.

Жаҳон маданияти юлдузлари

ТАҚДИРИНИ ЎЗИ АЙТГАН АДИБА



1949 йилнинг август оқшоми эди. Шифохонада беш кундан бери беҳуш ётган Маргарет Митчелл тўсатдан безовталана бошлади. Унинг лаблари нималарнидир пичирлар, аммо ҳеч ким эшитмас эди. Чамаси машҳур адиба ҳаёт билан видолашаётган эди. Чиндан ҳам у шу кун кечқурун бандаликни бажо келтирди.

Бутун дунёга XX асрнинг энг машҳур китоби деб тан олинган «Шамолларда қолган ҳисларим» («Унесённые ветром») романининг муаллифи сифатида донг таратган Маргарет Митчелл болалиқда ғирт ўғил боланинг ўзгираси эди. Унинг қизлардан би-

Митчел 1925 йилда шу йигитга турмушга қикди.

Жон Марш ўз хотинини асар ёзишга тинмасдан ундади. Ниҳоят Маргарет ўзининг машҳур романининг сўнгги бобини қозоғга туширди. Сўнгга бошидан бошлади. У ўн йил мобайнида «Шамолларда қолган ҳисларим» асарини ёзди. Уни ўқиган киши Ретт Батлер қиёфасида Ред Апшоуни кўриши қийин эмасди. Чунки, Маргарет романига ўзининг ҳаётини асос қилиб олганди. Нью-Йоркдаги йирик наشريётлардан бири қўлёзмани ўқиб чиқди, маъқуллади, китоб ҳолида чоп этишга киришди. Роман катта шов-шувга сабаб бўлди. Адибанинг телефони бир минут ҳам тинмасди. Эшигида минглаб одамлар дастхат илинжида навбатда турардилар. Ўқувчилар китоб қаҳрамонларининг тақдирини билиш ниятида уни хатларга қўмиб ташлашганди. Бу чинакам шухрат эди.

1948 йилда Маргарет собиқ эрининг пиёниста бўлиб қолгани, дайди ҳаёти ҳақида хабар топди. Ҳатто эски дўстларига Маргарет қандай яшайпти, деган мазмунда хатлар йўллаганини ҳам билиб олди. Жон билан бахтли ҳаёт кечираётганидан хабар топган Ред Маргаретни ўз ҳолига қўйди. Орадан бир йил ўтиб, Митчелл ичига газетанинг қийқими солинган конверт олди. Газетадаги хабардан маълум бўлишича, 1949 йилнинг 13 январида Техас штатидаги Галвестон шаҳарчасидаги меҳмонхоналарнинг бирида собиқ денгизчи Ред Апшоунинг жасади топилган. Бу ҳам хурсандлик, ҳам қайғу келтирган мактуб эди.

Маргарет Митчелл ҳаммаша мен автомобиль ҳалокати туфайли оламдан кўз юмаман деб юрар экан. Унинг бу башорати 1949 йилнинг август оқшомларидан бирида рўй берди. Эри билан сайр қилиб юрган Маргарет ўз уйдан унча узок бўлмаган масофада автомобиль гилдираклари остида қолди. Беш кун беҳуш ётиб, ҳаёт билан видолашди. Унинг эри Жон Марш эса уч йилдан сўнг вафот этди.

«Шамолларда қолган ҳисларим» романи бугун жаҳоннинг 27 тилига таржима қилинган. Унинг умумий нусхаси 30 миллиондан ошиб кетди. Ҳар йили эса 250 минг дон китоб сотилади. Унинг ихлосмандлари ушбу китоб ҳеч қачон ўлмайди деб ҳисоблашади. Бунинг сабаби бор, албатта. 1939 йилда Нью-Йоркда бўлиб ўтган кўрғазмада «Шамолларда қолган ҳисларим» романининг бир нусхаси махсус идишга солиб қўйилди. Идиш 6939 йилдагина очилади. Бу абадийлик эмасми!

Сўнгги сўз: «Шамолларда қолган ҳисларим» Митчелл хонимнинг ягона асари эмас экан. Гарчи адибанинг васиятига кўра унинг бутун архиви ёқиб юборилган бўлса ҳам, 1991 йилда Маргаретнинг эски кадрдонларидан бирининг ўғли отасининг хосхонасидан адиба 16 ёшида ёзган «Йўқолган Лайзен» новелласини топиб олибди. Бу адибанинг биринчи асари бўлса, эҳтимол.

Темир Йўлдошев.

مرقاۋەت سۆزۈنەك دونا

Бир дона кўчат эккан одамга,
Юз йиллар раҳмат ёғар оламда.

Насиб этса агар менга бахшилик,
Кўшигим бўларди фақат яхшилик.

Олий рутбаларни берганда фалак,
Кўз олдинда турсин доим чархпалак.

Чўлларга боқаман — ёнар қум, тупроқ,
Чашмалар қадрига етаман кўпроқ.

Мен сени севаман — виждон садоси,
Инсонлик сабоғи, пок дил нидоси.

Юртинг бор — бошингда қуёш чароғон,
Доримас қалбингга кудурат, армон.

Илм — инсон умрин безовчи инжу,
Меҳнат унга жило берувчи кўзгу.

Дўст бўлсанг, қўлга қўл, дилга дил берсанг,
Йўлларда, йилларда елкадош турсанг.

Эй, инсон, мавжудот аро сен суюк,
Буюклик ахтарма, ўзингсан буюк!

QUYOSHIM

Uzumlarga rang berib,
Asal etgan o'zingsan.
Mevalarga ta'm berib,
Shakar etgan o'zingsan,
Mehri daryo quyoshim.

Chehrangda doim kulgi,
Olam ko'z-qarog'ingda.
Tabiat go'zalligi
Har lahza ardog'ingda,
Mehri daryo quyoshim.

Asom ZIYOMAT.

Bolalik bog'i



8 - саҳифа меҳмони



Бекажон

ГУЛИМ СЎЛМАСИН ДЕСАНГИЗ

- Сиз йўқлигингизда яхши кўрган гулингиз сўлиб қолмаслиги учун тувакни сув тўлдирилган полиэтилен халтачасига ўраб қўйинг. Тувакка теккан жойини эса игна билан тешиб қўйинг. Шундай қилсангиз, тувакдаги тупроқ доимо нам бўлиб туради.
- Бодринг мазаси сизга сал тахирроқ туюлса, уни жиндак шакар солинган сутга бир муддат ташлаб қўйинг. Ширин бўлади қолади.
- Пахта толасидан тўқилган ёки сунъий матодан тикилган кийим-бошдан мевачеваларнинг доғини кетказишга кўп вақтингиз сарф бўлмайди. Уни қатиқ ёки ачинқираган сут билан тозаласангиз, тоза бўлади қолади.
- Тозалашдан сўнг трикотаж кофтангизғи жимиланиб қолса, уни буга бир неча дақиқа тутиб туринг. Шунда аввалги текис ҳолатига қайтади.

Матлуба
МАҲМУДХҲАЕВА
тайёрлади.



Об-ҳавони
кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 8-12 сентябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёгингарчилик кутилмайди. Шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 5-10 метрға етади.
Ҳарорат кечалари 14-19, кундуз кунлари 29-34 даража иссиқ бўлиши кутилади. Шу даврнинг иккинчи ярмига бориб, ҳарорат 26-31 даража атрофида иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 16-мактаб томонидан Акбаров Шохиди Аҳмаджонов номига берилган 9-синфни битирганлик ҳақидаги О'Р - 486587 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ШИРИН СЎЗНИНГ ШАЙДОСИ КЎП

Юзидан кулгу ёғилиб турган йигит микрофонга яқин келди. «Азиз дўстлар, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, ёру биродарлар...» дея нутқ бошлаши билан даврадаги гала-говур тинди. Ҳаммининг нигоҳи унга қадалди. Даврабошилиқдек масъул юмушни зиммасига олган йигит эса, сўз маржанларини бир-бир терар, ҳар бир айтган каломни ўтирганларнинг юрагига бориб етарди. Ҳа, у топиб-топиб, топганини ҳам ўрнига қўйиб, элга манзур қилмоқда эди. Навбатни санъаткорларга бериб, йигит бир четта чиқди. «Балли, Мирсолиҳ, — елкасига меҳр билан қокди бир киши, — амма сўз айтишни сенга чиқарган ўзи». Вилоят илмий-услуги биёт маданият марказининг катта илмий ходими Мирсолиҳ Соатов ҳар бир тадбирдан сўнг шундай олқиш олади.

— Мирсолиҳ ака, асл ихтисосингиздан бизни огоҳ эта оласизми?

— Маданият институтининг клуб ишлари факультетини тугатганман. Ихтисосим маданият ходими десам тўғри бўлади.

— Сизни вилоят микёсидаги катта тадбирларни бошқаришингизни кўриб кўплар ҳавас қилади. Чамаси бу фазилат оилавий мерос бўлса керак...

— Балки шундайди. Амаким Мирғиёс Соатий билимдон киши бўлган эканлар. Қаерга борсалар атрофларидан одам аримас экан, шеърлар ёзар эканлар. 1943 йилда урушдан қаттиқ бетоб бўлиб қайтиб, бироз вақт ўтиб, ҳаётдан кўз юмган эканлар. 1934 йили «Ёрни ойнақдан кўринг» деган шеърларига машҳур бастакор Имомжон Икромов «Сўлим» деган кўшиқ ёзганлар. Ориф Алимаҳсумов ижро этадилар. Падарибўзрукворим Собиржон Соатов ҳам 1950 йилларда Муқимий номли мусикали театрда хор артисти бўлиб ишлаганлар. Ишонасизми, «Равшан ва Зулхумор»; «Фарҳод ва Ширин» достонларини бошдан-оёқ ёд билатдилар. Нуриддинхўжа бобом моҳир уста ўтганлар. Агар уларнинг истеъдоди менга насиб этган бўлса, бундан фақат бошим осмонга етади.

— Бирон касбни эгаллашда одатда шу ҳунар устасининг маҳорати туртки бўлади...

— Эсингизда бўлса, бундан йигирма-ўттиз йиллар аввал Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов санъат оламига кириб келган, юлдузи чарақлай бошлаган эди. Унинг даврабошилигини икки-уч марта кўриб, ҳавасим келганди. Айниқса, «Она монологини айтганда,

ўтирганларнинг йиғлаганларига гувоҳ бўлганман. Йиғилган тўрт юз-беш юз одамни «измига солиш»нинг ўзи бўладими? Эркин Комиловга эргашиб, санъат оламига, суҳандонликка ихлос қўйганман. Бунга қанчалик эришдим, ихлосмандларимга аён.

— Сизни кўпгина машҳур ҳофизлар билан ҳамкорликда бўлган дейишади...

— Шундай бахт насиб этган. Ўзбекистон халқ артистлари Муроджон Аҳмедов, Хайрулла Лутфуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаровлар билан ўн йил ҳамнафас бўлдим. Саҳна одобини, сўзнинг қадрига етишни улардан ўргандим. Менга доим: «Бир сўзни ёдлаб эмас, дилдан айт, сўзларинг юрагингдан қайнаб чиқсин, бизни ҳам илҳомлантисин, томошабинларни кўшиқ эшитишга тайёрласин» деб уқтиришарди. Ҳозир ҳам хоҳ саҳнага бўлсин, хоҳ даврага бўлсин, чиқсам, шу ўғитларга амал қиламан.

— Зангиота туманидаги қайси дастада ишлагансиз?

— «Ҳосил» дастасига 1984 йили қабул қилинганман. 1992 йилда эса вилоят маданият ишлари бошқармасига таълиф этишди. Қаерда ишласам ҳам, одамларга жиндак бўлсин қувонч улашишга интиламан.

— Чимкентда бўлиб ўтган Тошкент вилояти маданият кунларида тилга тушган экансиз...

— Чимкент ва Тошкент вилоят-

лари биродарлашганидан ҳабарингиз бор. Қозоқ биродарларимизнинг вилоятимизга таширифи кунларидаги тадбирларда ҳам суҳандонлик қилдим. Буни қарангки, Чимкентда ҳам бу юмуш менга насиб этди. Уни Гулнора исми қозоқ гўзали билан бирга бажардик. Тилга тушганимга боис бу биринчи навбатда тилимизнинг гўзаллигидан деб ўйлайман.

— Туркиядаги қайси фестивалда иштирок этган эдингиз?

— «Чериш-хитит» деб номла-

нарди ўша фестивал. «Ҳосил» мақом дастасининг аъзоси сифатида боргандим.

— Матнларни туркча ўқиган экансиз-ку?!

— Шундай бўлувди, туркчага ўгириб беришган эди. Машҳур спортчиларнинг Ватан байроғи кўтарилганида доим кўзларида ёш бўлади. Нега шундай экан, деб ҳайрон қолардим. Буни қарангки, Туркияда юртимиз байроғини кўриб, ўзимни тиёлмадим.

— Ҳар бир суҳандоннинг севган мавзуси бўлади. Бировлар ишқ-муҳаббатни улуглашми, яна бировлар эса ҳажвни, кулгунни ёқтиради...

— Мен эса Ватан, дўстлик ҳақида сўзлашни, дилбар шеърларни ўқишни ҳуш кўраман. Бир неча йилдан бери шундай тадбирларни олиб борапман. Ишонасизми, Ватан ҳақида сўзлаганим сари иштиёқим жўшиб-тошиб кетади.

— Ватан ҳақида бундан ўзга ҳолатда сўзлаб бўлмайди. Оилангизда издошларингиз борми?

— Ўғлим Глиэр номли мусика мактабига ўқиди. Изимдан кетса керак деб ўйловдим. Афсус, ҳозир кимё-технология институтининг магистратурасида таҳсил олаяпти.

— Бу йилги тадбирларнинг қайси бири ёдингизда қолди?

— Йил бошидан бери 46 та тадбир ўтган бўлса, уларнинг ҳаммаси кўтаринки бир кайфи-

ятда кечди. Мен Наврўз, «Ўзбекистон кўшиқ байрами» кўшиқлар танловининг вилоят босқичи, мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишланган танталарни мамнуният билан эслайман. Айниқса, Юқоричирчиқда, Паркентда бўлган шеър кўшиқ оқшомлари бир менинг эмас, кўпчиликининг ёдида қолган бўлса керак.

— Кўплар давра бошқаришга лаб-даҳан сал келишиб турса, уч-тўрт шеърни ёд билса бўлди деб ўйлайди...

— Асло ундай эмас. Сизга тикилиб турган юзлаб нигоҳларнинг барчасига баробар ёқади-ган сўз топиш осон иш эмас. Биринчи лутфингиздан уларнинг диққатини тортолсангиз — бахтингиз. Суҳандоннинг ҳар бир айтган гапи тарозуда туради, десам лоф эмас. Оғзингиздан чиққан табрикми, шеърми, ривоятми — тош босмаса мақсадингизга етолмайсиз.

— Суҳбатимиз сўнггида газетхонларимизга нима деган бўлардингиз?

— Ҳазрат Навоий шундай айтган эканлар: «Бир деганини икки демак хаш эмас, сўз чу тақдор топти-дилкаш эмас». Яна ҳазратнинг «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз» деган табаррук ҳикматлари ҳам бор. «Айтилган сўз — отилган ўқ»лигини сира ҳам унутмайлик. Мабодо дилига суҳандонлик ишқи тушганлар бўлса шу ибратлар ҳамиша ёдида туришини истардим. Зеро, сўздан кўра таъсирли, қудратли, қурол оламда йўқ, бўлган ҳам эмас.

Суҳбатдош Темурубайдулло.

БОЙ БЕРИЛГАН ҒАЛАБА

Кун кеча футбол бўйича мамлакат унингчи миллий чемпионатининг навбатдаги 25-тур учрашувлари ўтказилди.

Мамлакат чемпиони «Дўстлик» жамоаси ўз майдонида «Академия»ни қабул қилди. Майдон эгалари учинчи дақиқада рақиб дарвозасини ишғол қилиб ҳисобни очдилар. Олим Тиллаев 28-дақиқада

меҳмонлар дарвозасига яна бир тўп киритиб, ҳисобни 2:0га ўзгартирди. 35 дақиқада меҳмонлар ўз жарима майдонларида қондани кўпол бузганликлари учун 11 метрлик жарима тўпи билан жазоландилар. Зарбани қойилмақом қилиб бажарган Азамат Абдураимов ҳисобни 3:0га етказди. Танафусдан сўнг уйин бутунлай ўзгача тус олди. Учрашувнинг 60-дақиқасида меҳмонлар биринчи жавоб

тўпини киритдилар. 75 ва 89-дақиқаларда эса Алексей Крушильницкий «Дўстлик» дарвозасини яна икки тўп билан «сийлади». Учрашув 3:3 ҳисобида дуранг натижа билан тугаб, «Дўстлик» жаҳвалда 41 очко тўплаган ҳолда бешинчи ўринга тушиб қолди.

Вилоятимизнинг олий табақадаги вакилларида яна иккитаси ўз ўйинини дуранг натижа билан якунлади: «Кимёгар»-«Трактор»-2:2, «Металлург»-«Самарқанд-Д»-1:1.

«Семурғ» ўз майдонида «Андижон» жамоасини қабул қилиб, унга 0:2 ҳисобида

ютказиб қўйди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Навбахор» - «Нефтчи» - 2:0, «Пахтакор» - «Сўғдиёна» - 2:1, «Сурхон» - «Қизилқум» - 1:0.

Чемпионатда навбатдаги тур учрашувлари 11 сентябрь, сешанба кунини бўлиб ўтади. Шу кун вилоятимиз вакиллари ўз учрашувларини сафарда ўтказадилар.

Талъат ЮСУПОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририят компьютер
марказида тарғиб ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.